Муносабат

# ВАЗИФАЛАРГА ДАЪВАТ

***Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 1998 йил якунлари ва 1999 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузасида эришилган ютуқлар билан бир қаторда, йўл қўйилган нуқсонлар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари рўй-рост айтиб ўтилди. Эришилган ютуқларимизни бой бериб қўймаслик муҳим вазифа эканлиги ҳам алоҳида таъкидланди. Мажлисда кўрилган масалалар пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган кўплаб корхоналар жамоаларини ҳам ўз вазифаларини чуқур англашга ундамоқда.***

**• Мурод Мусашайхов, «Империал» Ўзбекистон — Англия — Туркия қўшма корхонаси таъсисчиси:**

— Президентимиз Ислом Каримов ўз маърузаларида 1999 йилнинг 6 та устувор йўналишлари ҳақида тўхталиб, уларнинг ҳар бирини аниқ таърифлаб бердилар. **«Учинчи устувор йўналиш, — дейдилар Юртбошимиз, — иқтисодиётнинг таркибий жиҳатдан ўзгартириш дастурининг бажарилишини таъминлаш, корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш, рақобатбардош ишлаб чиқариш тизимларини бунёд этиш ўта муҳим масаладир».**

Шу билан бирга маърузада жорий йилда мамлакатимизда 2 миллиард доллар ҳажмида чет эл сармояларини ўзлаштиришимиз лозимлиги, бу ўтган йилгига нисбатан 1,5 баробар кўплиги алоҳида уқтирилди.

«Империал» қўшма корхонамизнинг очилганига ҳали бир йил бўлгани йўқ. Лекин шунга қарамай, инглиялик ҳамда туркиялик шерикларимиз билан ҳамкорликни мустаҳкамлаганимиз боис, маҳсулотларимиз сифати ва рақобатбардошлиги билан харидорини топмоқда. Айниқса, цехимизда хориждан келтирилиб ўрнатилган замонавий технологик линия иш унуми ва маҳсулот сифатининг кафолатидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шерикларимиз бизга ишонишиб, ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ниятидалар. Ана шу мақсадда яқинда Англиядан яна бир янги линия келтиришни режалаб турибмиз. Уни ўрнатадиган цехимиз эса тўла таъмирдан чиқди. Ишчиларимизнинг барчаси ғайратли ва шижоатли ёшлар. Улар ишимизнинг бош мезони сифат эканлигини доим ёдда тутадилар. Энг асосий мақсадимиз эса янги линия ишга тушгач, маҳсулотимиз — девор гулқоғозларини нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам сотиш. Бунинг учун барча имкониятларимиз, куч ва шижоатимиз етарли.

**• Қобилжон Яҳёев, «Диенвиди» Ўзбекистон — Латвия қўшма корхонаси раҳбари:**

— Қўшма корхонамиз 1996 йилда ташкил этилган бўлиб латвиялик шерикларимиз 50 фоиз улуш қўшганлар. Асосан замонавий типдаги ётоқхона мебелларини тайёрлаш билан шуғулланамиз. Президентимиз ўз маърузаларида эришилаётган ютуқлар ҳақида гапирар эканлар: **«Энди шундай қилиш керакки, бу ютуқларимизни бой бериб қўймайлик, аксинча, ўсиш, ривожланиш жараёни изчил ва муқаррар тус олсин...»** деб алоҳида тўхталдилар.

Корхонамизнинг 75 нафар ишчи-хизматчиси ҳам йилдан йилга муваффақият сари интилиб, мамлакатимиз аҳолиси учун зарур, импорт ўрнини босадиган мебеллар тайёрлашга интилмоқдалар. Ўтган йили 87 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришдик. Бу йилги режамиз эса янада юксак. 270 миллион сўмлик ётоқхона мебелларини тайёрлаб, унинг анчагина қисмини Қозоғистонда очилган савдо уйи орқали хорижга сотамиз. Италиядан келтирилган замонавий технология билан жиҳозланган цехимизда бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Мақсадимиз эса ўз маҳсулотларимиз билан Ўзбекистонни жаҳонга танитиш, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга муносиб улуш қўшиш.

*Шарофат БАҲРОМОВА ёзиб олди.*

*Маънавият*

# БАРКАМОЛ ШАХС КАМОЛОТИ

***Асримиз бошида буюк маърифатпарвар ёзувчи, жадидлар ҳаракатининг раҳнамоларидан бири Абдулла Авлоний тарбия ҳақида шундай деб ёзган эди: «Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир». «Абдулла Авлонийнинг бу сўзлари, — деб таъкидлаган эдилар Президентимиз Ислом Каримов, — асримиз бошида миллатимиз учун қанчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир».***

Комил инсон тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил қилинган «И. А. Каримов асарлари асосида талаба ва ўқувчиларни маънавий, ахлоқий тарбиялаш вазифалари» мавзуида яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган илмий конференция айни муддао бўлди.

Конференцияда таълим-тарбия соҳасидаги долзарб муаммолар илгари сурилди, бу соҳада амалга ошириладиган тадбирлар белгилаб олинди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу конференцияда Тошкент кимё технология институтининг ректори, академик Н. А. Парпиев, маънавият-маърифат ишлари бўйича ректор ўринбосари А. М. Эминов, фундаментал фанлар факультети мураббийлар кенгашининг раиси доцент К. Қаландаров, «Ўзбекистон тарихи ва маданиятшунослик» кафедрасининг мудири, доцент Э. Қосимов ва бошқа етакчи ўқитувчилар ҳам ўз маърузалари билан иштирок этдилар.

Институтимизнинг барча факультетларида, шу жумладан, бизнинг фундаментал фанлар факультетимизда ҳам декан, доцент Шавкат Нуруллаев иштирокида «Ўзбекистон тарихи ва маданиятшунослик» кафедраси профессор-ўқитувчилар билан ҳамкорликда конференция материалларининг таҳлили юзасидан I-II курс талабалари билан гуруҳларда суҳбатлар уюштирилди. Конференция материаллари талабалар ўртасида чуқур таҳлил қилинди; атрофлича ўрганилиб чиқилди ва амалий тадбирлар белгиланди.

Профессор-ўқитувчилар талаба ва ёшларга агар келажакка теран кўз билан боқмоқчи эканмиз, бунда бизга Йўлбошчимиз асарлари асосий омил эканлигини назарда тутган ҳолда, бу асарларга қайта-қайта мурожаат қилиш кераклиги бугунги кун талаби, давр талаби эканлигини назарий ва амалий жиҳатдан изоҳлаб бердилар.

Зеро, Йўлбошчимиз таъкидлаганларидек, «...ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам, ғайрат-шижоатига, тўла-тўкис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак». Шу ўринда Йўлбошчимизнинг 16 февралда Тошкентда юз берган воқеалар муносабати билан ёшларимизга билдирган катта ишончлари, улар тўғрисида кўрсатаётган оталарча ғамхўрликларини ҳам алоҳида таъкидлаш даркор.

Бинобарин шуни мамнуният билан айтиш керакки, талабаларимиз Президентимиз асарларини, доно маслаҳат ва йўл-йўриқларини нафақат машғулотлар тарзида, нафақат профессор-ўқитувчилар ёрдамида, балки бевосита ўзлари ҳам мустақил тарзда ўрганиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураётган бир пайтда, баркамол авлод келажаги — Ватан манфаатлари билан муштарак, юксак маънавиятли баркамол инсонларни тарбиялаш билан боғлиқ. Бир сўз билан айтганда эркин фуқаро — онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур. Зеро, баркамол ёш авлод — келажагимиз тараққиётининг пойдеворидир!

*Илҳомжон ҚАЛАНДАРОВ,*
*Тошкент кимё технология институтининг ўқитувчиси.*

Саноат

# ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

***Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда чет эл сармояларини жалб этган ҳолда муваффақият билан фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарнинг ҳам ҳиссаси салмоқлидир. Шу ўринда пойтахтимизда фаолият олиб бораётган «Ўзкейсмаш» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонасида олиб борилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш лозим.***

Пахтакорларга мададкор бўлиб, уларни янги замонавий техника билан таъминлашга муносиб улуш қўшаётган ушбу қўшма корхонанинг қуввати йил сайин ўсиб бормоқда. Бу йил жамоа аҳли пахта йиғим-терим мавсумигача 300 та «Кейс» туркумидаги горизонтал шпинделли пахта териш агрегатларини тайёрлаб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Айни кунларда ана шу ниятни амалга ошириш борасида саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Мутахассисларнинг талаби эътиборга олиниб, 1997 йилда янги туркумдаги замон талабларига жавоб берадиган пахта териш машиналарини тайёрлаш учун «Ўзкейсмаш» корхонаси ташкил топган эди. Дастлаб синов тариқасида ана шундай юксак унумли агрегатлардан 48 таси — Ўзбекистон шароитига мослаб ишлаб чиқарилди. Ўтган бир ярим йил давомида эса корхона қуввати 6 бараварга ошди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирда қўшма корхонада асосан ўзбекистонлик ёшлар фаолият кўрсатиб, касб маҳоратларини намойиш этмоқдалар.

Бугунги кунгача режаланган мақсадга эришиш йўлида ишлаётган ишчи-хизматчилар йил бошидан буён 50 тадан ортиқ пахта териш машинасини йиғиб тайёр ҳолга келтирдилар. Корхонада ҳар ойда 25 та машина тайёрлаш учун буюртма бор. Буюртмалар ўз вақтида ва сифатли қилиб адо этилмоқда.

Жамоанинг келгуси режалари ҳам юксак. 1999 — 2002 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида яна пахта териш машинаси бункери ва ҳайдовчи кабинасини, «Технолог» бирлашмасида машинанинг пластмасса қисмларини, шу жумладан сиғим бакларини, Янгийўлдаги «Нормал» корхонасида металл қисмларини, Жиззах аккумулятор заводида заряд берувчи батареяларни, Кувасой заводида ойна жиҳозларини, Тошкент мотор заводида эса двигателларни тайёрлаш кўзда тутилган. Буларнинг барчаси амалга ошса, машиналарни асосан республикамизда ишлаб чиқариш имконияти туғилади. Демак, корхонанинг қуввати янада ортиб, пахта териш машиналарини нафақат республикамиз пахтакорлари учун, балки Ҳамдўстлик ҳам, хориж давлатларига экспорт қилиш имконияти яратилади. Чунки ҳозирда корхона аҳлига хориждан ҳам буюртмалар тушмоқда.

Корхона мутасаддиларининг таъкидлашларича, корхонада ягона компьютер тизими яратилмоқда. У қўшма корхонани «Кейс» корпорацияси ҳамда бошқа корхоналар билан боғлайди. Шу ерда тайёрланган бутлов қисмларини экспорт қилиш орқали мамлакатимизнинг валюта жамғармасини ривожлантиришга хизмат қилиш мўлжалланмоқда. Демак, ушбу қўшма корхона талаби асосида бутлов қисмлари тайёрлаш бошланса, жамоада ишлаб чиқариш қувватини яқин йиллар ичида 10 баробар ошириш имконияти мавжуд. Шуни айтса керак-да «Излаган имкон топади» деб.

*Шоира ИСМАТОВА.*



*Кўп қаватли кўркам бинолар шаҳримиз кўркига янада чирой бахш этмоқда.*
*Рустам Шарипов олган сурат.*

*Биз ва жаҳон*

# МУСТАҲКАМ АЛОҚАЛАР

***Шаҳримиз ички идоралари тизимида хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида делегациялар айирбошлаб туриш хайрли анъана тусига кирган.***

Жумладан, бу гал пойтахтда Полиция бошқармаси тадқиқот ва режалаштириш бўлими бошлиғи капитан Лоренс Берни бошчилигида Американинг Техас штати Сан-Антонио шаҳри Полиция бошқармаси делегацияси амалий ташриф билан бўлди. Делегация таркибидан тадқиқот ва режалаштириш, гиёванд моддаларнинг ноқонуний айланмаси билан кураш, қотилликлар бўлимларининг масъул ходимлари ўрин олган бўлиб, ташриф давомида Сан-Антонио шаҳри полицияси ходимлари пойтахт милицияси идора ва бўлимлари, туман ички ишлар бўлимларининг иш усуллари билан танишдилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида бўлиб ўқув-услубий негиз, таълим бериш дастурлари ва усуллари билан ҳам бевосита танишдилар.

*(Ўз мухбиримиз.)*

Ҳамкорлик

# ЯНА БИР ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИ

***Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида шу кунга қадар ўттиздан ортиқ давлатлар билан дўстлик жамиятлари тузилиб, айни чоғда ўз низомларига мувофиқ самарали фаолият кўрсатмоқда.***

Яқинда ана шу жамиятлар кенгашида яна бир, яъни «Ўзбекистон — Бельгия» дўстлик жамиятини тузиш ҳақида таъсис мажлис бўлиб ўтди. Унда жамиятлар кенгаши аъзолари, ташкилотчилар, бир қатор олим ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Таъсис мажлисида мазкур дўстлик жамиятининг раҳбар ходимлари ва унинг аъзолари аниқланиб, ўз навбатида Низоми ҳам қабул қилинди. Шунингдек, сўзга чиққанлар бугунги кунда бу икки давлат ўртасида ҳар томонлама алоқалар янада ривожланиб бораётганлигини айтиб, ушбу тузилган дўстлик жамияти ҳам ана шу ҳамкорликнинг амалий бир кўриниши эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

*Очил ҲАЗРАТОВ.*

Тадбирлар

# ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА БАҒИШЛАБ

Чинобод санаторийси маъмурияти ва Юнусобод тумани Отчопар маҳалла хотин-қизлар кенгаши ўтказган тадбир долзарб масалага бағишланди.

Тадбирда ёшлар тарбиясига эътибор, уларни қадриятларимизга, буюк алломаларимиз, олимларимизга ҳурмат, ота-оналарга муҳаббат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ҳақида гапирилди.

*Ваҳоб ТОЖИЕВ.*

Транспорт

# «ОТАЙЎЛ» — ХИЗМАТИМИЗДА

***«Ўзавтосаноат» ассоциацияси мутахассисларининг изланишлари бугунги кунда ўз самарасини кўрсатиб турибди. Агар эътибор қилган бўлсангиз чиройли, бежирим мидибусларнинг сони шаҳримиз кўчаларида анча кўпайиб қолди. Бу мидибуслар «Отайўл» номи билан аталиб, улар Самарқанд автотранспорт заводида ишлаб чиқарила бошланди.***



Бу заводда Ўзбекистон — Туркия автосаноатчиларининг хайрли ишлари туфайли турли хилдаги минибуслар, юк ташувчи машиналар вужудга келди.

Заводнинг барпо бўлишида Ўзбекистон томонидан «Ўзавтосаноат» ассоциацияси, Туркия томонидан «Коч Холдинг» йирик компанияси муассислик қилди. Умумлаштирилган номи «СамКочавто» қўшма корхонаси деб юритила бошланди. 1997 йилда корхонани қуриш учун ҳаракат бошланган бўлса, 1998 йилнинг сўнгги чорагида дастлабки мидибуслар ишлаб чиқарилди. Бундай имконият ва муваффақият нафақат Ўзбекистонда, балки Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида ягонадир.

Эндиликда «СамКочавто» мутахассислари 30 хилдаги мидибус, юк ташувчи, нон ташувчи, сув сепувчи, ахлат йиғувчи ва бошқа бир неча турдаги машиналарни ишлаб чиқара бошлади. Қўшма корхонанинг бир йиллик қуввати 3 мингта автобус, 1000 та юк транспорт ишлаб чиқаришга қодир. Зеро, корхона хом ашёни иқтисод қилган ҳолда машиналарни фақат буюртма асосида ишлаб чиқаради.

Айни вақтда ҳамюртларимиз хизматидаги «Отайўл» мидибусларнинг сони 58 тага етди. У ҳамма томонлама қулай, бежиримлиги билан бошқа транспортлардан ажралиб туради. Шунингдек, унга кам дизель ёқилғиси сарфланиб, кўп йўл босиш мумкин. Масалан, машиналарнинг моделларига қараб 15—20 литр дизель ёқилғиси билан 100 километр йўл юриш мумкин.

Хуллас, юртимизда автотранспорт ишлаб чиқаришнинг иккинчи босқичида ҳам зафар қўлга киритилди. Бу республикамиз иқтисодиётини ривожлантириш борасидаги энг қувончли, энг ишончли ва энг самарали зарварақдир.

*Гулзода МАМБЕТОВА.*

*СУРАТДА: «Отайўл» мидиавтобуслари хизматга шай.*

*Холмат Мирзакаримов олган сурат.*

*Шаҳар хўжалиги мавзуида*

# ЎСИМЛИК ЁҒИНИНГ НАРХИ ҚАНЧА?

***Сўнгги кунларда таҳририятимизга келаётган мактубларнинг кўпчилигида оқшомхонлар: «Ёғнинг нархи дўконларда нега ҳар хил?», «Аслида у неча сўмдан сотилиши керак?», «Нарх-навони муқобиллаштириб турадиган мутасадди ташкилотлар борми?» деган саволлар билан мурожаат қилишиб, шу ҳақда тушунтириш беришимизни илтимос қилишган. Ана шу талабни инобатга олиб биз Тошкент шаҳар ҳокимлиги савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти бошлиғининг ўринбосари Саидазим Саидаҳмедов билан суҳбатлашдик.***

— Оқшомхонлар мутлақо ҳақ, — дейди Саидазим Саидаҳмедов бизга тушунтириш бериб. — Чунки сўнгги йилларда аҳолининг ўсиб бораётган талабини ҳисобга олиб ўсимлик ёғининг турлари кўпайди. Олдинлари кўпроқ пахта ёғи билан савдо қилинган бўлса, эндиликда бу маҳсулот билан бирга савдо пештахталарига соя билан пахта ёғи аралашмасидан тайёрлаган «Ўзбекистон» ёғи ҳам чиқарилмоқда. Ва яна бошқа турдаги ёғ маҳсулотлари ҳам мавжуд.

**— Ҳар иккала маҳсулот нархи ўртасида қанақа тафовут бор?**

— Масалан, пахта ёғининг тортиб сотиладиган тозаланмаган нархи 276 сўм қилиб белгиланган бўлса, тозалангани 336 сўм туради. Худди шунингдек «Ўзбекистон» ёғининг нархи ҳам 348 ва 392 сўм қилиб белгиланган. Бундан ташқари бу маҳсулотларнинг шиша идишлиси ҳам дўкон пештахталарида кўплаб учрайди. Шишали пахта ёғи (идишсиз) 176 сўмдан, «Ўзбекистон» ёғи эса (идишсиз) 206 сўмдан сотилмоқда.

**— Савдо корхоналари бу маҳсулотларнинг устига қанча фоиз қўшимча нарх қўйишга ҳақли?**

— 20 фоизгача устама нархга рухсат этилган. Лекин бундан тушадиган фойданинг 6,5 фоизи маҳсулотни сотувга чиқарган корхоналар ҳисобига, 13,5 фоизи эса савдо ташкилотлари ҳисобига тушади. Ҳозир бизда чакана корхоналарнинг сони кўпайиб кетган. Улар ҳам ўз холича турли жойлардан маҳсулот келтириб сотишини назардан қочирмаслик керак.

Бир сўз билан айтганда ҳозирда шаҳримизда умуман ўсимлик ёғи савдоси бўйича муаммо йўқ. Дўконларда унинг 3-4 турини учратиш мумкин. Шу ўринда рақамларга мурожаат қилсак масала янада ойдинлашади. Бир чоракда шаҳар бўйича 3 минг 800 тонна ёғ олинган бўлиб, шундан 2900 тоннаси тортиб сотиладиган, 900 тоннаси эса қадоқланган маҳсулот. Бу белгиланганидан анча ортиқ.

Минг бор эшитгандан бир марта кўрган афзал деган мақолга амал қилиб шаҳримизнинг бир неча савдо нуқталарида бўлдик, маҳсулот сотуви билан қизиқдик.

«Юнусободсавдо» улгуржи-чакана савдо ишлаб чиқариш жамоа корхонаси ихтиёрида 25 та дўкон бор. Улар туманнинг турли томонларида жойлашган. Корхона раиси ўринбосари Акмал Абдуназаровнинг айтишича бир ойлик ёғ маҳсулоти режа бўйича 25-30 тонна бўлишига қарамай корхона ҳисобига 51 тонна ёғ ўтказилган. Шундан 25 тоннаси пахта ёғи, 10 тонна 700 килограмми эса ўсимлик ёғи, 7 тонна 200 килограмми «Ўзбекистон» фирмали ёғи, 5 тоннаси маргарин ёғини ташкил этади.

Корхонанинг Солиҳ Каримов бош бўлган 32-дўконида бўлдик. Мўъжазгина дўкон пештахталарида турли маҳсулотлар батартиб ўрин олган. Биргина ёғ турининг ўзидан беш хили мавжуд. Нархлари ҳам тариф бўйича белгиланган.

— «Ўзбекистон» ёғи бироз қимматроқ бўлгани учун мижозларимизни иложи борича арзон нархли пахта ёғи билан таъминлашга ҳаракат қиляпмиз, — дейди бизга дўкон мудири.

Албатта ҳозирги вақтда бу ҳам аҳоли ҳимояси йўлида қилинаётган бир хайрли иш. Қани энди ҳамма ҳам худди шундай ўйласа. Афсуски шаҳримизнинг бир қатор дўконларида бунинг аксини кўрдик.

— Ўсимлик ёғи бизда бемалол, — дейишади дўкон мудирлари пештахталарга қатор териб қўйилган идишли «Ўзбекистон» ёғини кўрсатиб.

Нархидаги тафовут ҳақида гап очсангиз «Бизга шунақасидан беришяпти» дейишади. Ёки яна бир бошқа баҳонани келтиришади. Лекин аслини олганда улар «қаноат қилишга» кўникиб қолишган — жонини куйдирмайдиган тоифалар. Мижозлар ҳамёнини ўйлаб елиб-югуриш уларга анча бегона. Масалан, бундайлар жумласига Миробод туманидаги 14-дўкон (мудири Жўравой Мирсаидов), «Кумушзор» жамоа корхонаси (мудири Анна Черкашина), «Шайхонтоҳурсавдо»га қарашли 18-дўкон (мудири Суннатилла Қосимов) ва бошқаларни киритиш мумкин.

Чилонзор туманидаги «Миродил» фирма дўкони пештахтасида қуйиб сотиладиган икки хил ёғни кўриб хурсанд бўлдик. Бунинг устига баҳоси арзонлигини айтмайсизми? «Ўзбекистон» ёғига 370 сўм нарх белгиланган. Лекин у тозаланганми, йўқми ёзиб қўйилмаган. Бизнингча бу маҳсулот чекланган нархи бўйича агар у тозаланмаган бўлса 348 сўм, аксинча эса 392 сўмдан сотилиши керак. Лекин улардаги нархлар на у ҳисобга, на бунисига тўғри келади. Сотувчилардан сўрасак: «Билмаймиз, бизга шу нархда сотгин» дейишдан нарига ўтишмайди. Пахта ёғи ҳам шунақа аросатда — 315 сўм. У тарифда белгиланган баҳога тўғри келмайди. Дўкон мудирини сўрасак «Қаёққадир чиқиб кетган» дейишди. Унинг ёрдамчиси Саида Тошматова эса бизга бу хусусда аниқ маълумот беролмади.

Ҳамза туманидаги Ғайрат Жабборов вақтинча мудирлик қилаётган 37-дўконда шишали ёғнинг нархи 225 сўм деб ёзиб қўйилган. Лекин бу нархга идишнинг баҳоси кирадими ёки йўқми буни ҳеч ким билмайди.

Яккасарой туманидаги «Саида» жамоа корхонасида (мудири Лида Тимофеева) эса ёғ маҳсулоти танқис. Сотувчилар пештахтага биргина идишли пахта ёғини териб қўйишибди. Унинг ҳам ёрлиғи йўқ.

— Нега ёғнинг нархи йўқ? — сўраймиз сотувчидан.

— Кечирасиз, пастга тушиб кетибди.

Тадбиримиз давомида бунақа «пастга тушиб кетган» ёрлиқларнинг анча-мунчасини кузатдик.

Албатта текширувда кўплаб намунали савдо нуқталарида ҳам бўлишимизга тўғри келди. Улар жумласига Чилонзордаги «Даврон» хусусий фирмаси (директори Латифжон Саидалиев), «Арофат» фирма-дўкони (мудири Бурхонбек Тўғонбеков), «Шофайз» хусусий фирмаси (мудири Абдуғофур Исмоилов)ларни киритиш мумкин.

Айниқса бизга «Мирободсавдо»га қарашли 2-дўкондаги (мудири Нуриддин Қурбонов) тартиб-интизом ёқди. Очиғи ушбу дўкон шаҳримиздаги унча-мунча супермаркетлардан қолишмайди. Харидор бу ердан истаган маҳсулотини топиши мумкин. Улар пештахталарга чиройли ва бежирим қилиб териб қўйилган. Одамлар билан ҳамиша гавжум дўкон файзли ва озода.

— Айниқса ҳозир шаҳримизда грипп касаллиги кучайган пайтда озодагарчиликка катта эътибор беряпмиз, — дейди дўкон мудири бизга. — Фаррошларимиз ҳар соатда зални артиб, тозалаб туришади. Умуман озиқ-овқат дўконларида биринчи навбатда озодагарчиликка диққат қаратилгани яхши деб ўйлайман.

Хулоса шуки, дўконларимизда барча турдаги маҳсулотлар, айниқса ёғ бисёр. Уларнинг чекланган нархи ҳам аниқ қилиб белгилаб қўйилган. Лекин беш қўл баравар бўлмаганидек, кундалик ҳаётимизда ҳали ҳам дўкондорлар орасида баъзи кўзбўямачиликлар, энг ёмони харидорлар ҳақига хиёнат қилишдек ярамас иллатлар учраб туради. Истардикки дўконга харид учун келган мижоз у ердан мамнун бўлиб чиқсин. Бу вазифанинг уддасидан чиқиш савдо ходимлари қўлидан келади. Бунинг учун уларда аввало масъулият ва ҳафсала бўлиши керак. Лекин ана шу масъулият ҳисси ҳамма жойда етарли даражада эмаслигига тадбиримиз давомида амин бўлдик ва савдо ходимларида масъулият ҳисси кучайсин, деган эзгу ният билан мақоламизга сўнгги нуқтани қўйдик.

*Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.*



# МИЛЛИЙ БОҒ БАЙРАМ ТАРАДДУДИДА



## Сени соғиндик, Наврўз!

*Ўзида миллий қадриятларимизни жамулжам этган, қалбларимизга ўзгача шукуҳу хонадонларимизга файзу тароват олиб келувчи файзли байрамимиз — Наврўзнинг кириб келишига ҳам саноқли кунлар қолди. Бутун борлиққа жон ато этиб, дилларни яйратувчи қутлуғ айём тантаналари ҳар йили пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли Миллий боғдан бошланиб, бутун мамлакатимиз бўйлаб акс садо беради. Миллий боғдаги тайёргарлик ишлари билан танишганимизда бунинг яна бир бор гувоҳи бўлдик.*

Ҳар йилгидек майдондаги қурилиш-тиклаш ишларини амалга ошириш «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясига қарашли «Туронқурилиш» ҳиссадорлик жамияти бунёдкорлари зиммасига юкланган. 80 нафарга яқин турли касб эгаларининг саъй-ҳаракатлари боис майдонда охирги тайёргарлик юмушлари амалга оширилмоқда.

— Халқимиз тарихида ҳамиша ўзининг ёрқин изларини қолдириб келаётган, биз учун азиз саналмиш Наврўз байрамига тайёргарликнинг энг масъулиятли нуқтасида ишлаш зиммамизга юкланганидан фахрланамиз, — дейди ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси Мухтор Ҳабибуллаев. — Шу боис ҳам ишни 3 сменада ташкил этдик. Бу ишга энг малакали қурувчиларимизни жалб этганлигимиз туфайли ҳам барча юмушлар ўз вақтида сифатли қилиб бажарилмоқда. 3500 томошабинга мўлжалланган ўриндиқлар ўрнатиб бўлинди, минбар ва йўлаклар тайёрланди. Шунингдек, байрам файзини таъминловчи минора ва кўприклар, 8 та чархпалак, арғимчоқлар, ёритиш мосламалари, ҳавозаларга ўрнатиладиган ёритиш чироқлари тайёр ҳолга келтирилди. Бу ишларнинг барчасини бажаришда бунёдкорларимизга ёрдамчи пудратчилар ҳам сидқидилдан ёрдам беришмоқда. Айниқса, 1-механизация бошқармаси кранчилари, электрчилар ўз вазифаларини тўла адо этишяпти.

Миллий боғдаги майдонда тайёргарлик ишларига ўзининг муносиб улушини қўшаётган дурадгору қурувчи, бўёқчию сувоқчи, ҳайдовчию электрчини қизғин меҳнат устида учратдик. Айниқса, Қодир Юсупов етакчилигидаги дурадгорлар, Мирапулис Ди бошлиқ бўёқчилар бригадаси аъзоларининг қўли-қўлига тегмайди. Ишбоши Салоҳиддин Жамонқулов эса бунёдкорларга бош-қош бўлиб, уларга кўрсатмалар, керак бўлганда кўмак бермоқда.

— Барчамизнинг фикру зикримиз тантаналар ўтказиладиган майдонни тезроқ ҳозирлашга қаратилган, — дейди у. — Бунинг учун иложи борича вақтдан унумли фойдаланмоқдамиз. Айниқса, дурадгорларимизнинг ишлари жуда авжига чиқди. Уларнинг кетидан эса тезлик билан бўёқчиларимиз ҳам ҳаракатга тушишди. Жамоамизда ҳамжиҳатлик билан иш юритаётганимиз туфайли ҳам, ундан кейин барчамиз Наврўзни интиқлик билан кутаётганимиз сабабли ҳам ҳамма ўз ишини тез ва соз бажармоқда. Айниқса, Ҳикмат Қаҳҳоров, Альфия Холиқова сингари пардозловчиларимиз бор маҳоратларини ишга солишмоқда. Истаймизки, байрам баҳона бу ерга ташриф буюрган ҳар бир киши бизнинг меҳнатимиздан ҳам қувонсин, уларнинг яратилаётган шароит ва гўзалликдан диллари яйрасин.

Тез кунда бунёдкорлик ишлари ниҳоясига етади ва санъаткорлар бу ерда машқларни бошлаб юборишади. Албатта, кўнгилдагидек бунёд этилган ва безатилган ушбу майдон ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларига бир олам Наврўз нашидасини, қувончу бахтини бахшида этиши, шубҳасиз.

Шарифа ИЛЁСОВА.





СУРАТЛАРДА: тантаналар майдонининг ҳозирги кўриниши (юқорида); «Тошшаҳарнур» электрчиси Валерий Наумов иш устида; дурадгорлар Рустам Қурбонов ва Ҳамид Мансуровлар ишбоши Салоҳиддин Жамонқуловдан (ўртада) кўрсатма олишмоқда.

Рустам Шарипов олган суратлар.

**Қатра**

Деразамни ёмғир черта бошлади.

Чиқ-чиқ-чиқ!

Ташқарига боқдим. Диққинафас ҳавода димиқиб, деразани очдим. Юзимга баҳорий илиқлик, димоғимга баҳор нафаси урилди.

— Қара, баҳор келибди, — дедим аёлимга.

дея пичирлади лабларим.

Унинг битта шохчасидан синдириб олгим келди. Узатган қўлларим ҳавода муаллақ қолди. Беозоргина шаббода ўрик шохчаларини тебратиб юборди.

Йўқ, йўқ, йўқ.

Гулбаргларни эгиб оҳиста юзимга теккиздим.

## ҚУВОНГАН ЮРАКЛАР

Беш ёшли қизим югургилаб келди.

— Баҳор қани, дада, мен ҳам кўрай.

— Ана, оқ ёмғирга қарагин. Баҳорни кўрасан, қизим, — дедим унга.

Хонадонимизга баҳорий кайфият кирди.

Ҳамма нарса бирдан ёришиб кетгандек туюлди.

Уйимизни тўлдириб баҳор вальси янгради.

Трамвайда келаётсам талабалар ётоқхонаси ёнида ўрик қийғос гулга кирибди. Юрагим ҳапқириб кетди. Бекатда тушиб, оппоқ гуллаган ўрик ёнига бордим.

— Ассалому алайкум, баҳоргул, — деб айтгим келди унга.

Кўзим қувнаб ўрик гулларига термулдим.

— Эрта очилганинг хосиятли бўлсин, —

Бутун борлиқни аллалаб, алла билан уйғотиб ёмғир ёғаяпти.

Деразаларни томчилар чертади.

Чиқ-чиқ-чиқ.

Майсаларнинг, дов-дарахтларнинг қулоғига шивирлайди:

Уйғон, уйғон, уйғон!

Деразадан хонадонларга яшариш ва янгиланиш фаслининг муаттар ҳидлари уфуриб киради.

Баҳорни, Наврўз айёмини соғинган юраклар беихтиёр қувончга тўлади:

— Ассалому алайкум, баҳоргул, ассалом, Наврўз!

— Шу кунларга етказганига шукр.

Абдураҳмон ЖЎРА.

**Бека**

## УЙИНГИЗ ИФОРГА ТЎЛСИН

*● Хонаки гулларни суғоришда совуқ сувдан кўра қайнатилган ва совутиб тиндирилган сув фойдалироқдир. Қайнаш жараёнида хлорланган сувдаги айрим маъданли тузлар чўкади ва сув янада тозаланиб, суғориш учун айни муддао бўлади.*

*● Гулдаста ясаётганда гулларнинг бир-бири билан биологик жиҳатдан мувофиқлигини ҳисобга олинг. Дейлик атиргулнинг хуш бўйи чиннигулларнинг сўлишига сабаб бўлади. Меваларнинг ҳиди эса ҳар қандай гулнинг ҳам тезроқ сўлишига сабаб бўлади.*

*● Агар хонадондаги узилган гуллар сўлий бошласа, гул поясини қирқиб, иссиқ сувли ванна ёки тоғорага 20 дақиқача солиб қўйинг. Сўнгра хона даражасидаги сув солинган гулдонга солиб қўйишингиз мумкин. Гулдондаги гуллар узоқроқ сўлимай турсин десангиз, ундаги сувга аспирин (3 литр сувга ярим таблетка) хапдорисини ташлаб қўйинг.*

Гўзал ХОЛИҚОВА.

**Огаҳийнинг 190 йиллигига**

# ШОИРНИНГ БОЙ МЕРОСИ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг улуғ шоир, таржимон,тарихнавис ва давлат арбоби, мураббий шоир Муҳаммадризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий таваллудининг 190 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори адабий-маданий қадриятларимизни тиклаш, улардан ҳуқуқий-демократик жамият маънавиятини юксалтиришда фойдаланиш йўлидаги муҳим қадамдир.*

Огаҳий ёшликдан яхши тарбия олади, бошланғич мактаб, кейин Хивадаги мадрасаларда ўқиб, замонасида мумкин бўлган диний ва дунёвий илмлар билан танишади. Табиатан зийрак ва истеъдодли бўлган Огаҳий мадрасада ўқиган чоғларини «Таъвизулошиқин» девонига ёзган дебочада қуйидагича изоҳлайди: завқ бағишламоқ, уларнинг кўнглини олмоқ, куй ва қўшиқ билан дарддан халос қилмоқ деб тушунди:

*Мутрибо, созингни*
*овозинг била,*
*Айла созу, айла созу,*
*айла созу...*

Демак, Огаҳийнинг уқтиришича, санъаткорнинг асосий вазифаси кишиларга, айниқса, ёш авлодга катта ҳис-ҳаяжонли — мага қизиқишини билиши ва шунга қараб болани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши, унинг илм ёки касб эгаллашга бўлган ихлосини сусайтирмаслиги лозим дейди. Шунингдек, Огаҳийнинг таъкидлашича, билим бериш жараёнида муаллим болани зериктириб қўймаслиги керак, у ўз фаолиятида «устоди ҳунар шиори комил»га қатъий амал қилмоғи лозим. Чунки билим олишда ҳечам юзакичиликка йўл қўйиб бўлмайди, фақат қунт ва ихлос керак деб ёзади:

*Келди асбоби жаҳон*
*авсофи ғафлат мужиби,*
*Не учунким уйқу ҳосил*
*бўлғуси афсонадин.*

*Қадам айлабон илм*
*йўлида бош,*
*Ҳунар касбида айлар*
*эрдим талош,*
*Не тунлар манга ҳобу,*
*роҳат эди,*
*Не кунлар замони*
*фароғат эди.*

Огаҳий йигирма ёшида истеъдодли шоир сифатида танилади. Хива хони Оллоқулихон уни мироблик вазифасига тайинлайди. Огаҳий мироблик вазифасида хизмат қилса ҳам йирик мулкдор бўлмаган. Огаҳийнинг асосий мақсади амалдорлик эмас, балки юксак савияли маданий киши бўлиб жамиятга хизмат қилиш, олимлик ва шоирлик билан шуҳрат қозониш бўлган.

Огаҳий асарларини кўздан кечирар эканмиз, у мусиқанинг тарбиявий аҳамиятини эътироф қилиб, уни бола дунёқарашининг шаклланишига, ижобий фазилатларнинг ривожланишига ёрдам беришини таъкидлайди. Бу тарбияшунослар эътиборидан четдан қолмоқда. Шунингдек, Огаҳий дутор, танбур, чанг, ғижжакни яхшигина чолғувчи созанда бўлган. Шоир ҳофизу созандалар билан яқиндан алоқада бўлган, уларнинг куйларига ғазаллар ёзган ва ўзи ҳам анча куйлар яратган.

Огаҳий мусиқа назарияси бўйича махсус рисола ёзмаган бўлса-да, ҳар қандай ҳофиз ва мусиқа чолғувчининг асосий вазифаси тингловчиларга эстетик эстетик куч бахш этишдан иборатдир:

*Умароу фуқаро*
*кўнглини ол базм ароким,*
*Бедилингдур умароу*
*фуқаро, э мутриб,*
*Огаҳий шеъринг ҳар зеру*
*бам ичра ўқуким,*
*Бандинг ўлсунг ҳамма*
*шоҳу вузаро, э мутриб.*

Мусиқага оид «зеру бам», яъни ингичка ва йўғон товуш тушунчасини ишлатиш Огаҳийнинг мусиқа назариясидан хабардор эканлигини кўрсатади.

Огаҳий ота-онанинг бола тарбиясидаги, унинг дунёқарашини таркиб топтиришдаги ролини алоҳида таъкидлайди. Мутафаккирнинг фикрича, бола тарбиясида ота ҳам, она ҳам тенг иштирок этиши, иккови ҳам баравар масъулият сезиши лозим.

*Гар бу гулшанда ано*
*бўлса гулу сарв ато,*
*Сан каби туғмағуси*
*сарв гуландом ўғул.*

Демак, ота-она болага биринчи ўринда анъанавий тарбия қоидаларини сингдиришга, саломлашиш, юриш-туриш, ейиш-ичиш қоидаларига, ўз қилмиши учун масъулият сезиш, ёмонликлари учун уялишга ўргатиш лозим. У болаларнинг тарбиясида ота-оналарнинг ўз фарзандларига ибрат бўлишини алоҳида таъкидлайди:

*Ибрат ўлғай ҳоли*
*одам аҳлиға,*
*Демайин одамки, олам*
*аҳлиға.*

Мутафаккир устод болаларнинг қобилиятини, ни-

*Сидқу ихлос ўлса кимда*
*жамъ ўлур ҳосил мурод,*
*Ким, туғор мундоқ*
*ўғул андоқ атоу онадин.*

Шоирнинг маърифий-дидактик қарашларида ақлий тарбия, ақлий билиш, маърифатли бўлиш, дунёвий билимларни ўрганиш масаласи муҳим ўринни эгаллайди.

Огаҳий ақлнинг куч-қудратига катта баҳо берар экан, ундан таълим-тарбия, илм-майрифат ва ахлоқий тарбия муаммоларини ҳал этишда, шахснинг хулқи, хатти ҳаракати ва фазилатларини ёритишда кенг фойдаланади. У таълим-тарбиянинг жамият тараққиётидаги ролини яхши тушунган ҳолда ёшларни дунёвий илм сирларини билишга, ҳодисалар моҳиятини англашга чақиради.

Мутафаккир билимсизликни, нодонликни қаттиқ қоралайди, илм-маърифатнинг ёшларга рўшнолик келтиришини, ярамас, разил хатти-ҳаракатлардан сақлашни алоҳида таъкидлайди.

Муҳаммад Ризо Огаҳий кўз ўнгимизда ўзининг юксак истеъдоди, сермаҳсул ижоди билан гавдаланади ва унинг «Таъвизул—ошиқин» («Ошиқлар тумори»), «Фирдавс ул-иқбол», «Риёз уд-давла» («Давлат ишлари») каби ўнлаб асарлари билан келажак авлодга хизмат қилади.

Феруза РАСУЛОВА,
Солижон ҲАСАНОВ,
педагогика фанлари номзодлари.

**Изҳор**

# ИБРАТЛИ СИФАТЛАР

*Камина Жонридни иккинчи жаҳон уруши тугаган 45—46-йиллардан буён биламан. Шунинг учун бўлса, эҳтимол, Жонрид менга ҳали ҳам ёш боладай кўринади.*



Ўша йиллардаги ўта мураккаб шароитларда мен уни уйга таклиф қилардим. Бизда етти ўғил, бир қиз, катта оила аъзоларининг ҳар бири таниш-билишлари, ўртоқлари, улфатлари бирин-кетин уйимизга келишар, иқтисод ўлгудай ночор, аммо раҳматлик ота-онамиз «Нега одам бошлаб келасан?» деб бирон марта бирортамизга айтганларини эслай олмайман. Уйимизда эса Жонридга тенгдошлар ҳамиша бор эди, ойимлар унинг исмини айтишга тиллари келмасдан, менга «Ўғлинг қалай, яхши юрибдими?» деб қўярдилар ва ҳар ҳайит арафа куни иложи бўлса олиб келавер деб айтардилар...

Жонрид Абдуллахонов Наманганда туғилди, Тошкентда оёққа турди. Наманганлик яна бир ошнам — Учқун Раҳмон ҳам бизникига келиб турарди. Бу бири тенгдош, бири биздан кичкина ҳар икки дўстимиз ёшликдан етим қолиб, Тошкентдаги бағри кенглар муҳитида тарбия топиб шоир, ёзувчи, артист бўлиб, ўз йўлларини топиб олдилар ва шу ерда умр бўйи қўним бўлиб қолдилар...

Бу гапларни айтишдан мақсад нима? Гап шундаки, Наманганда туғилиб Абдусат номини олган шоир, ёзувчи, драматург, адабиёт оламида Тошкентда Жонридга айланди. Унинг шахсий ҳаёти-кечирмалари, турмуш сўқмоқларидан қоқилиб, суқилиб катта йўлга чиққунча нималарни кечиргани ҳар бир ёш ўғил-қизларга ҳамон ибрат бўла олади, дейилса ҳам хато бўлмайди. Чунки, ота-онадан ёш ажралиб, ўз ихтиёрида қолган ҳар бир гўдак Жонриддек тўғри йўлга чиқиб олганда, эҳтимол, орамизда умуман ёвузлар бўлмас ёки жуда озчиликдан иборат бўлармиди?!

Жонрид ўз ижодини шеъриятдан бошлаган кезларида жуда ёш, радиоқўмитасига келиб қолади. Бу ерда шу йилларда Ҳаким Назир, Туроб Тўла, Ҳибзиддин Муҳаммадхонов, Убай Бурхон, Бурхон Зиёев каби бир қатор шоир, ёзувчи, журналистлар радиода хизмат қилар, камина ҳам шу даргоҳда эди. Биз номларини тилга олиб ўтган сиймоларни республикамизда ҳамма билади — уларнинг ҳар бири адабиётимизда ўзига хос ўринни эгаллаб, обрў-эътиборга сазовор бўлганлар. Жонрид ана шундай яхши муҳитда маънавий озиқ олиб вояга етди... ТошДУнинг журналистика факультетини битириб олий маълумотли бўлгунча анча-мунча шеър, ҳикоялари пайдо бўлган, кейин эса қатор романлар ҳам ёзди, танловларда ғолиб чиқди, мукофотлар олди, Ёзувчилар уюшмаси, Радио, телевидение, қатор газета ва журналларда меҳнат қилиш ва ижодий маҳсулотлари билан ўзига хос обрў-эътиборга эга бўлди...

Жонрид ҳамиша турмушнинг иложи борича энг қайноқ жойларидан мавзулар танлашга ҳаракат қилади. «Бир қиз ҳикояси», «Алексей Пешков», янги йўллар қурилишига бағишланган «Йўл» романи, «Тўфон», «Орият», «Суиқасд», «Хонадон», «Тергов», «Борса келмас» романлари инсон билан табиат ўртасидаги ўта мураккаб муносабатларни тасвирлашга бағишланган бу романлар ҳам яхши кутиб олинди...

Адабиёт шундай бир оламки, чинакам ижодкордан ҳамиша ҳаётнинг энг долзарб муаммолари, уларнинг энг тўғри ечимини излаб топишни талаб қилади. Агар таъбир жоиз бўлса, инсоният ҳаёти ҳеч қачон «ҳайбаракаллачилик»дан иборат бўлган эмас ва бўлмайди. Ёзувчи ҳаётнинг мураккаб воқеалиги устида умр бўйи ўйлайди, излайди, топади, инсонга руҳий озиқ беради. Биз қутлуғ ёшга тўлган Жонридда ана шу ибратли сифатларни кўрамиз...

Аҳмад АЛИЕВ.

